Ушбу сонда:
2 Касаба уюшма аралашуви билан ИШ ҲАҚИ ундириб берилди
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ахлоқ, таълим, тарбия ҳақида

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 19 ноябр, чоршанба № 180 (1605)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.***

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII боб 54-моддаси.

## ШУ МУБОРАК КУНЛАРДА

Кўнгли ўксик, ногирон кишиларга мурувват кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш каби савобли ишлар миллий қадриятларимиздан саналади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ижтимоий муҳофаза мустақилликнинг илк кунлариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган жамият ривожининг устувор тамойилларидан бири сифатида белгилангани бежиз эмас.

Савоб ишни эса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак.

Ҳукуматимиз ёлғиз кексалар, пенсионер ва тиббий кўмакка муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти ва яшаш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса, дардманд кишиларни аниқ йўналтирилган мақсадли ҳимоялаш тизими барпо этилди. Унга кўра ана шундай кишиларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, уларга мунтазам моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш чоралари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

БМТ Бош ассамблеясининг қарорига кўра, 3 декабрь, бутун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам, Халқаро ногиронлар куни сифатида кенг нишонланиб келинади. Бу йил ушбу санани муносиб тарзда нишонлашга Республика ташкилий қўмитаси анча эрта киришгани эътиборга лойиқдир. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маданият ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, «Соғлом авлод учун»,»Маҳалла», ЭКОСАН каби жамғармалар, кўплаб нодавлат ташкилотлар, идора ва муассасалар бу хайрли юмушда бош-қош бўлмоқда.

Ўзига хос мурувват ўн кунлиги тарзида ўтказилажак мазкур тадбир доирасида маҳаллаларда истиқомат қилаётган дардманд кишилар, нуроний ҳамюртларимиз ҳолидан хабар олинади. Уларга совғалар, протез ва тиббий асбоб-анжомлар, дори-дармонлар улашилади. Республикамиздаги кўпгина Меҳрибонлик, Мурувват-саховат уйларида, маданият саройларида хайрия концертлари, кўргазмалар, адабий анжуманлар, қизиқарли суҳбатлар ташкил этилади. Энг асосий тадбир эса пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида бўлиб ўтади.

**(ЎзА)**

*Оила Кодексида белгилаб қўйилган*

## АЁЛ САЛОМАТ БЎЛСА

***Ўн беш йил аввал шу қизнинг онасини Клара опанинг ўзи даволаганди. Шифокорлар, маҳалла-кўй унга кўп бор маслаҳатлар беришди, ёмон йўлдан қайтаришга ундашди, аммо бари бефойда кетди. «Қайта такрорланмайди!» дея сўз берса-да, ичкиликбозликдан қутилолмади. Мана оқибати – суқсурдай қизи туғма ногирон...***

Ўша кезларда Жиззахда бундай касалликларни даволаш ва олдини олиш мушкул эди. Аввалambор мутахассислар танқислиги бўлса, қолаверса, шарт-шароит ҳам йўқ эди. Бугун давр бошқача, имкониятлар ҳам бўлак. Зеро, фуқаролари соғлом, ёшлари нуқсонсиз камол топган давлатнинг тараққиёт йўли ҳам ўзига яраша бўлади. Бу эса кўп жиҳатдан репродуктив саломатликни тўғри ташкил этишдан бошланади.

Айни пайтда Жиззах вилоятида соғлом авлодни вояга етказиш ва улар соғлиғини муҳофаза этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли соҳада тўпланиб қолган муаммолар ечимини топмоқда. Хусусан, тўрт йил аввал вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳокимлик ташаббуси билан ҳудудда илк бор руҳий касалликлар диспансери ташкил этилди. Ўтган давр оралиғида диспансер такомиллаштирилиб, унинг таркибида 70 ўринли ётиб даволанадиган касалхона қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, мутахассислар билан тўлиқ таъминланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, одамлар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ходимларини изланишга ва имкониятлардан тўлалигича фойдаланишга даъват этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят аҳолиси сони аниқланиб, касб-кори ва ирсий хасталиклар, қариндошчилик никоҳи, аёллар ҳомиладорлик вақтидаги касаллик, камқонлик, йод етишмаслиги кабилар тиббий кўрикдан ўтказилди, зарурат бўлганда зарур чора-тадбирлар қўлланди. Бахмал, Зомин, Мирзачўл сингари чекка туманларга, мутахассислар юборилди ва аҳоли саломатлиги муҳофазага олинди. Фориш, Дўстлик сингари туманлар марказий касалхонаси таркибида ҳар жиҳатдан замон талабига мос ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хоналар ташкил этилди.

Ўтган йилдан эътиборан бюджетдан олинаётган маблағнинг эллик фоизи диспансер тизимига, қолган қисми эса касалхона йўналиши бўйича сарфланаётганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.

Вилоят руҳий касалликлар шифохонаси моддий базасининг мустаҳкамланишида Жиззах тумани ҳокимлиги саъй-ҳаракатини эътироф этиш ўринлидир. Ҳозирги кунда шифохонага тўрт гектар ер ажратилган бўлиб, ходимлар асосий ишдан бўш вақтларида шу ерда меҳнат қилишади. Шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси Раиса Аҳмадиеванинг таъкидлашича, мавжуд ерда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори унумдорликка эришилмоқда. Фойданинг асосий қисми тизимни ривожлантиришга ва меҳнат аҳлини вақти-вақти билан рағбатлантиришга,қолгани эса даволанувчиларни бепул даволаш ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашга сарфланмоқда.

Бозор шароити талаби қатъий. Соҳа мутахассислари айрим дори-дармонларнинг етишмаслиги ёки муддатида етказиб берилмаётганлигини ҳисобга олиб, вилоят касалхонаси қошида ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобидан ички дори-дармон тайёрлашни йўлга қўйишди. Бу – дорихоналарда сотилаётганидан анча арзон ва энг муҳими, табиийлиги билан даволанувчиларга наф келтирмоқда.

Тизим мутахассисларининг саъй-ҳаракати туфайли тадбиркорликнинг қарор топганлиги, вилоятдаги кўплаб қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларга етарлича хизмат кўрсатишга имкониятлар очмоқда. Бир мисол. Икки йил аввал бу ердаги даволанувчиларга хизмат кўрсатиш ва дори-дармонлар билан таъминлаш даражаси 3,500 сўмданга тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда бу 4,500-5 минг сўмни ташкил этаяпти. Ёки даволанувчилар учун сарфланаётган дори-дармон харажати бир кунда 630 сўмга тенг.

Саломатликни муҳофаза қилишга йўналтирилаётган ана шу ишлар асосан соҳа мутахассислари ташаббуси билан амалга оширилаяпти. Шу билан бирга кенг жамоатчилик ва, айниқса, ҳомий ташкилотлар ҳам яқиндан кўмак беришмоқда. Пахтакор, Ғаллаорол каби туманларнинг тадбиркорлари кўмагида ана шу ҳудудларда мутахассисларнинг ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

– Руҳий касалликка чалинишнинг олдини олиш борасида ҳали қиладиган юмушларимиз кўп, – деди бош шифокор Клара Мавлонова. – Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу хасталик асосан қариндош-уруғ ўртасида никоҳдан ўтиш, камқонлик, йод етишмаслиги, бош миянинг жароҳатланиши ва уни вақтида даволатмаслик, шамоллаш, алкоголизм, наркомания, хотин-қизлар орасида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳамда чекиш туфайли кўпаймоқда.

Ҳар куни мактабларда, маҳалла ва корхоналарда, чекка қишлоқларда учрашувлар, савол-жавоблар ташкил этилаяпти. Бироқ шарт-шароитлар яратилаётганлиги ва хизмат кўрсатиш бепул эканлигига қарамай, аксарият одамлар масалага жиддий ёндошмаётирлар.

Оила Кодексида белгилаб қўйилганидек, келгуси йилдан бошлаб, оила қурувчилар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Бу – фаровон турмуш қуриш, соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтиришнинг бирдан-бир кафолатидир.

Айни пайтда бу ерда 14 нафар врач, 26 нафар ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда камарбаста бўлаётган ана шу ходимларнинг ўзи ҳам жамоа шартномаси бўйича ижтимоий муҳофазага олинган. Улар меҳнат таътилига чиққанларида бир ойлик пул миқдорида маблағ ажратилмоқда. Имкониятдан келиб чиққан ҳолда, санаторий ва профилакторийларга йўлланмалар билан таъминланмоқдалар. Ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобидан ойма-ой мукофотлар бериб бориш йўлга қўйилганлиги ҳам таҳсинга лойиқдир.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

***Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Consumer-Expo, FoodExpo ва AgrofoodMash Uzbekistan 2003" саккизинчи халқаро кўргазмаси очилди. Кўргазма АҚШнинг TNT Productions, Inc. компанияси ҳисобланади.***

-Халқаро кўргазмада саккиз мамлакатдан 39 та компания иштирок этмоқда,-деди АҚШнинг TNT Productions Inc компанияси президенти Жастин Вебб "Туркистон-пресс" мухбирига. - Қозоғистон, Россия, Ҳиндистон, Сингапур, Польша , Тайван ва Хитой мамлакатлари шулар жумласидандир. Мазкур кўргазманинг ўтказилиши халқаро ҳамкорлик истиқболларини намойиш этмоқда. Шунингдек, истеъмол бозорида янги маҳсулотлар пайдо бўлиши ва замонавий технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилишини тезлаштиради.Кўргазманинг асосий мақсади, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, истеъмол, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон истеъмол бозорининг янгиланишига кўмаклашишдан иборат ҳисобланади.

Кўргазмани Республика қишлоқ ва сув хўжалиги, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг", "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниялари қўллаб-қуватламоқда. Мазкур кўргазма республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқишига туртки беради.

- Компаниямизнинг асосий йўналишларидан бири илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини, ташқи ва ички маркетинг изланишларини олиб бориш, корхоналар билан узвий алоқалар боғлашдан иборат,-деди "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси раисининг биринчи ўринбосари Дилшод Солихбоев . "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг"га 17та шуъба корхонаси киради ва улар қишлоқ хўжалик машиналарининг кўпгина турларини ишлаб чиқаради. Асосий мақсадимиз республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлашдир.Биз буни имкон қадар уддасидан чиқяпмиз.

## ШВЕЙЦАРИЯГА – ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИГА

Республика киночилар уйида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Швейцария тараққиёт бюросининг «Қайта тикланган суҳбатлар» лойиҳаси доирасида Марказий Осиё давлатлари ҳужжатли кино усталари томонидан сўнгги йилларда яратилган энг сара фильмлар намойиш этилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳужжатли кино ижодкорлари ўз асарларида юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараёнларни, мавжуд воқеликни кенг қўламда қамраб олишга интилмоқда. Бу жараён тадбир доирасида намойиш этилган «Қоракўл», «Авесто», «Отбеги» каби фильмларда ҳам ўз ифодасини топган.

Марказий Осиё давлатлари киночилари томонидан яратилган ана шундай юксак савиядаги ўнта фильм 2004 йилда Швейцарияда бўлиб ўтадиган Халқаро ҳужжатли фильмлар кинофестивалида иштирок этади.

**(ЎзА)**





Янгийўл шаҳридаги Ўзбек-Хитой «Тарим импорт-экспорт» қўшма корхонасида айни кунларда асосан ёшлар меҳнат қилмоқда. Жамоа ишчиларига барча қулайликлар яратилган. Мазкур корхонада йилига 31 минг тоннадан зиёд халқ хўжалиги тармоқлари учун қоп ишлаб чиқарилмоқда.

***Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.***

**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар**

## МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ

***«Ўзкўргазмасавдо»да Республика озиқ-овқат товарлари улгуржи савдо ярмаркаси очилди.***

*Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хомашё асосида маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Эндиликда сифатли маҳсулотлар билан нафақат ички бозор таъминланмоқда, балки улар хорижга ҳам кенг экспорт қилинмоқда.*

*Ярмаркадан «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Озиқовқатсаноат», «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари тасарруфидаги корхоналар ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган 250 дан зиёд бошқа корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан тайёрланган қарийб 570 миллиард сўмлик маҳсулот кенг ўрин олган.*

*Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.*

**(ЎзА)**

*Меҳнат ва рағбат*

## ДАЛА ШУКУҲИ

***Меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаси, моддий таъминоти касаба уюшма фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Айниқса, бу йилги йиғим-терим мавсумида касаба уюшма вакиллари меҳнаткашларга елкадош турди. Биргина Сирдарё вилоятида рағбатлантиришга сазовор бўлганлар сони минг нафардан ошади.***

### КЎНГЛИМИЗ КЎТАРИЛДИ

Деҳқон борки даласини дейди. Биз ҳам оиламиз билан ерга чигит қададик. Унумли меҳнатимиз, интилишимиз самараси ўлароқ зиммамизга олган шартномавий топшириқни уддаладик. Фарзандларим қаторида белимга этак боғлаб пахта тердим. Мавсумда 6,5 тонналик хирмон тикладим. Меҳнатимиз, рўзғоримиз фаровонлашувига хизмат қилди. Бизнинг фидокорона меҳнатимиз авж палласи чоғлари касаба уюшмалари совринига сазовор бўлдик. Мен қатори фермер Тўрақул Жумабоев, «Кейс» пахта териш машинаси ҳайдовчилари Собир Бегимқулов, Абдурашид Темурбоевлар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**Марҳамат МУЛЛАЧАЕВА,**
**Боёвут туман «Ғаллакор» хўжалиги оилавий пудратчиси**

### МУКОФОТГА АЖОЙИБ ТЕЛЕВИЗОР

Рости, касаба уюшма ташкилоти фаолиятидан қониқиш ҳосил қилолмасдим. Назаримда унинг фаолияти қоғозларда акс этиб қолаётгандек эди. Аммо у меҳнаткаш манфаати ҳимоячиси эканлигини ишни дўндирганимда англаб етдим. Оилавий пудратга ер олганмиз. Бу йилги мавсумда хўжаликда биринчи бўлиб шартномавий режани уддаладик. Ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан ошди.

Хўжалик маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти меҳнатимизни муносиб баҳолаб, рангли телевизор билан тақдирлашди. Хўжалигимизда самарали ишлаган 18 нафар киши ана шундай рағбатлантиришга мушарраф бўлди.

**Аллаёр АБДУЛЛАЕВ,**
**Сайхунобод туман Т.Ғуломов номли хўжалик оилавий пудрат звеноси бошлиғи**

*Хат йўлга чорлади*

## ҚАДРИНГ БАЛАНД, ҚАДДИНГ БАЛАНД

Одамлар кўнглига йўл топиш, уларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиш раҳбар кишидан энг бирламчи талаб қилинадиган хусусиятдир. Афсуски, баъзи ҳолларда бунинг аксига дуч келамиз. Таҳририятимизга Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Остона» маҳалласида яшовчи Холбиби Жўраевадан келган шикоят хати ҳам шу фикр далилидир. Унда шундай сўзлар битилган:

«Мен узоқ йиллар туман халқ таълими бўлимига қарашли 8-сонли болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаб келдим. 2001 йил 17 сентябрда ўз хоҳишим билан 1-сонли мактабгача тарбия муассасасига мудиралик вазифасига ўтдим. Иш фаолиятим давомида бирор марта танбеҳ олмадим. Ўтган йилнинг кузида Денов туман ҳокими қарори ва халқ таълими бўлими мудири буйруғига асосан мен мудиралик қилаётган мактабгача тарбия муассасаси бошланғич таълим мактабига айлантирилди. Мен бундан қувониб пича шошган эканман. Қарангки, ишсиз қолдим. Шундан сўнг вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига ёрдам сўраб хат ёздим. Шикоятимни адолатли ҳал этиш Денов туман тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдураим Ибрагимовга юклатилибди. Касабақўм раиси эса ширин гаплар билан менга ёрдам беришни ваъда қилиб, ишонтирди ва ўзига нисбатан даъвом йўқлиги ҳақида хат ёздириб олди. Лекин ҳеч қандай амалий ҳаракат бўлмади. Мен ҳимоячим томонидан ҳимоясиз қолавердим. Ноилож Денов туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. 2002 йилнинг 19 август кунги очиқ суд мажлисида даъвом қисман қаноатлантирилди. Менга туман халқ таълими бўлимидан 17792 сўм ундириб берилди. Шу холос. Мен яна ишсиз қолавердим. 55 ёшга тўлаяпман. 24 йиллик меҳнатим ҳурмати тумандаги соҳа раҳбарлари икки оғиз ширин сўз билан пенсияга кузатиб қўйишганда бунчалар эзилмасдим...»

Шикоят хати юзасидан Денов туман халқ таълими бўлими мудири Мамаюсуф Сапиев ҳузурида бўлганимизда, у ушбу ҳолатни Х.Жўраева устидан 8-мактабгача тарбия муассасасида мудира вазифасида ишлаб юрган вақтида боғча ходимлари томонидан бир неча марта ёзма арзномалар тушгач, кўп йиллик меҳнати ҳисобга олиниб бошқа боғча мудиралигига тайинлангани ва бу боғча тугатилгандан сўнг пенсия ёшига етганлиги сабабли ўз-ўзидан ишдан озод қилинганлиги билан изоҳлади. Раҳбарнинг сўзини эшитиб туриб шундай бир савол туғилди: ходимни меҳнат фаолиятидан четлатиш пенсия ёши билан боғлиқлиги қайси қонунда кўрсатилган. Қолаверса, раҳбар одам ходимларга меҳр-мурувватли, лозим бўлганида суянчиқ сифатида ўрнак бўлиши керак эмасми? Аксинча, бўлса-чи? Бундай шароитда иш жойида соғлом муҳитга путур етмайди, деб ким айта олади?! Зотан, жамоа ўртасида аҳиллик, ўзаро самимий муносабат қарор топгандагина иш олдинга силжийди. Бу негадир соҳа етакчисини ўйлантирмади.

Энг таажжубланарлиси, тармоқ касабақўмининг меҳнаткаш тақдирига бефарқ муносабати кўнгилда саволлар уйғотади. Ахир ишловчилар манфаатининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшма мавжуд муаммолардан кўз юмса, ходим арздодини кимга айтсин?

Бундан ташқари, Денов туманлараро фуқаролик суди томонидан даъвогар фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун моддий маблағ ундириб берилиши ҳам қонун бузилиш ҳолати юз берганини исботлаб туради-ку?! «Фуқаролик суди қарори менинг илгариги ишимга ёки унга тенглаштирилган иш билан таъминланишимга асос бўлиши керак эди-ку», дея ҳақли талаб қўяди Х.Жўраева. Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош меҳнат ҳуқуқи нозири Шерзод Солижонов қуйидагича шарҳлади.

- Денов туман халқ таълими бўлими Холбиби Жўраева билан меҳнатга оид муносабатлар бўйича амалга оширган хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 101-, 102-, 103-моддалари талаблари тўлиқ бажарилмаган. Фуқаро Х.Жўраева эса Меҳнат Кодексининг 270-моддасида кўрсатилган «Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари»ни ўтказиб юборган. Ўтказиб юборилган муддат суд томонидан узрли, деб топилгандагина шикоятчининг даъвоси қондирилади.

Албатта, биз Х.Жўраеванинг ўз ҳуқуқини қатъий туриб талаб қилиш ўрнига ёлғон ваъдаларга умид боғлаб, вақт ўтказганини оқлай олмаймиз. Ким билади, у ишончли қонун ҳимояси туриб, яна қандай нажотбахш кўмакка кўз тикди экан? Ҳар қандай ҳолатда инсон учун қонундан ўзга яхши суянч топилмаслиги мана шу мисолда яна бир карра ўз исботини топмоқда. Нима бўлганда ҳам мутасадди раҳбарлар аёл шикоятини адолатли ҳал қилишлари лозим. У бор йўғи узоқ йиллик меҳнати қадрланишини юракдан хоҳлайди, холос.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

